

Current situation and identified problems of legal competence of school principals: on the example of Tashkent region

Yusupova Dilnoza Fayzullaevna

Scientific Research Institute Named After A. Avloni
Institute of Basic Doctoral Studies

Abstract. The article analyzes the foreign experience in the field of legal competence of school principals, the current state of the legal competence of school principals in the Fergana region. Also, based on the analysis of the appraisal indicators, the initial problems were identified and scientific hypotheses about the development of the legal competence of school principals were developed.

Keywords: Legal knowledge (competence), legal literacy, legal culture, work with legal documents, legal awareness, healthy environment, rights and obligations.

Мактаб директорларининг ҳуқуқий саводхонлиги бўйича кузатилаётган хорижий тенденциялар

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида мактаб директорларининг ҳуқуқий саводхонлиги юқори даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосан улар бошқарув фаолиятини профессионал даражада амалга ошириш ёки фаолияти юзасидан вужудга келадиган турли хил низоларни қонуний ечим топиши учун улар алоҳида ҳуқуқий тайёргарлик ёки тегишли равишда ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қиласидан малака ошириш қурсларидан ўтишади.

Мактаб директорларининг ҳуқуқий компетентлигини қандай қилиб ривожлантириш ёки такомиллаштириш унинг бошқарув фаолиятидаги аҳамияти юзасидан ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга эга.

Хусусан, **Жанубий Корея Республикасида** мактаб директорларининг меҳнат муносабатлари билан боғлиқ жараёнларда ваколатлари маълум даражада чегераланган. Бунда ўқитувчини ишдан бўшатиш ёки унинг ҳуқуқларини поймол этишга қаратилган бошқа таъсир ўтказиш ваколатига эга эмас. Бунда жамоатчилик назорати асосида мактаб ўқитувчиларнинг меҳнат муносабатлари Корея Таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда йўлга қўйилади. Акс ҳолда мазкур масалалар суднинг қарори билан амалга оширилади.

Сингапурда мактаб директорларининг мактаб қарорларини қабул қилиш жараёнида ота-оналар ҳам жалб этилади. Мактаб директорлари лавозимига тасдиқланганидан сўнг, улар мактаб директорлари Академиясида икки йиллик ўқув дастурини якунлашади. Дастробки ўқув йилида етакчилик фазилатларини шакллантириш ва ҳуқуқий билимларини оширишади, иккинчи йили мактабларни бошқаришни ўрганиш учун амалиёт ўташни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бўлажак раҳбарлар хорижий давлатларга 6 ҳафтага юборилади. Директорлар одатда ўқитувчиларнинг юридик масалада дуч келадиган биринчи шахсdir. Мактаб директорлари профилактик ҳуқуқни қўллаш учун юридик таълимга боришлиари шарт эмас. Бунинг ўрнига, ҳар бир директорга мактаб таълими бўйича ҳуқуқшунослик бўйича кенг қамровли курс, мунтазам равишда малака ошириш бўйича ҳуқуқий янгиликлар, фойдаланувчилар учун қулай манбалар ва туман юридик маслаҳатчиси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Австралия мактабларида таълимни қонунийлаштириш ва. юридик таваккалчилик стратегияси мактаб сиёсати ва амалиётида акс эттирилиши керак, мактаб директорларининг ҳуқуқий билимлари ўз ишларини самарали бажариш учун зарур .

АҚШНИНГ ТЕХАС ШТАТИДА мактаб директорлари ҳуқуқшунослик курсини ўташи шарт хисобланади. Таълим тизими раҳбарлари қонун ва уларни тушуниш қонунларни билишлари керак, чунки, улар ўқитувчилар ва ўқувчиларни ҳуқуқ мажбуриятларини кафолатлаши лозим.

Тасмания штат мактаб директорлари фаолият юритадиган мактабларнинг ташқи ва ички ҳуқуқий муҳитлари, улар билан шуғулланадиган ҳуқуқий соҳалар, мавжуд ҳуқуқий тайёргарлик ва ривожланиш тартиби, директорларнинг ҳуқуқий билимлари ва онги улар учун мавжуд ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизимларини талаб этади.

Янги Зелландияда мактаб директорларининг таваккалчиликларни бошқариш масалаларини ҳал қилиш учун аниқ белгиланган профилактика дастури бўлиши талаб этилади, бу мактабларда юзага келиши мумкин бўлган хавф омилларини камайтиради. Юридик саводли директорлар ўз мактабларида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни самарали бошқара билишади ва шунинг учун хавф-хатарларни бошқаришнинг самарали амалиётини жорий қилишлари мумкин. Мактаб директорлари профилактик ҳуқуқни қўллаш учун юридик факультетга боришлари шарт эмас. Бунинг ўрнига, ҳар бир директорга мактаб таълимини бошқариш бўйича ҳуқуқшунослик кенг қамровли курс, мунтазам равищда малака ошириш бўйича ҳуқуқий янгиланишлар, фойдаланувчилар учун қулай манбалар ва туман юридик маслаҳатчисидан фойдаланади. Директорлар таълим қонунининг манбай сифатида тажрибага таяниши лозим. Ҳуқуқий саводхонликнинг йўқлиги директорларнинг юридик масалаларни минималлаштириш учун таваккалчиликларни бошқариш бўйича тегишли амалиётларни жорий этмасликларига олиб келиши мумкин, бу эса ўз мактабларига қарши суд ишларини юритиш эҳтимолини оширади. Ҳуқуқий таваккалчиликларни бошқаришнинг олдини олиш учун директорларга таълим қонунчилигини тушуниш керак. Директорлар қонун билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда қўпинча ўз тажрибаларига мурожаат қилишади.

Кўриниб турибдики, таълим қонунчилигига асосланмаган директорлар ўз мактабларида юзага келадиган "юридик масалаларни ҳал қилиш учун кўп йиллар давомида ўзларининг бошқарув ва маъмурий роллари бўйича тўпланган тажрибага" таянадилар.¹

Тошкент вилояти бўйича мактаб директорларининг ҳуқуқий компетентлигини амалдаги ҳолати ва аниқланган муаммолар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5168-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг 3-банди мувофиқ давлат бюджетидан молиялаштириладиган айрим давлат ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмаларида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб жами **1182 та юридик хизматлар штат бирликлари қисқартирилди** ҳамда бўшатилаётган штат бирликлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида юридик хизмат кўрсатиш марказлари республиканинг барча туман (шаҳар)ларида ташкил этилди ва **1056 та штат бирликлари ажратилди**.

Қисқартирилган жами **1182 та юридик хизматлар штат** бирликларидан **190 таси Халқ таълими бўлимларидағи** юридик хизматларга тегишли ҳисобланади. Умуман штатларнинг қисқартирилиши бевосита халқ таълими бўлимлари фойдасига эмас, балки бу уларнинг иш юритувида вужудга келадиган юридик масалалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига, яъни уларнинг зарарига сабаб бўлиши мумкин. Чунки соҳавий юридик мутахассисларнинг янада ривожланишига ва шу соҳада ҳуқуқий нормативларни такомилаштирадиган мутахассисларнинг салмоғи тушиб кетади.

Шунга мувофиқ, юридик хизмат штатларнинг қисқартирилиши бевосита умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқий компетентлигининг шаклланишига ўз таъсири ўтказади.

¹ Legal literacy: Auckland secondary school principals' understanding of education law 2018yil

Бугунги кунда халқ таълими учун юридик хизмат ва халқ таълими ходимларининг соҳавий ҳуқуқий билимларини ривожлантириш энг долзарб масалаларданdir.

Хусусан умумий ўрта таълим мактаб директорлари олдида турган энг муҳим масала бу уларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш масаласидир. Мактаб директорларининг ҳуқуқий билим ва амалиёти етарли даражада эмаслиги муаммо сифатида ўрганилишига сабаб бўляпти.

Мактаб директорлари томонидан иш фаолияти давомида қонунларни тўғри талқин этмаслик ва кўр-кўронга бузилиш ҳолатлари такрорланаверар экан тизимда натижадорликка эришиш қийин.

Ҳозирги кунда мактаб директорларининг ҳуқуқий компетентлиги етарли даражада эмаслиги ва улар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этиши билан боғлиқ масалаларни Тошкент вилояти мисолида таҳдил этамиз.

Тошкент вилояти бўйича 2016-2020 йиллар (2 йил) давомида мактаб директорларига нисбатан **66та ҳуқуқбузарлик иш кўрилган**.

Хусусан,

2019 йилда 3та жиноий ва 41 та маъмурий ҳуқуқбузарлик

2020 йилда эса **22та** маъмурий иш судлар томонидан кўриб чиқилган ва жазо тайинланган.

Мактаб директорлари ўртасида асосан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши уларнинг ҳуқуқий билимларни билиш билан эмас, балки қонун нормалари қўллаш билан боғлиқ қўнималарнинг етарли даражада эмаслиги ёки мавжуд эмаслиги намоён бўлади. Аксарият содир этилган ҳуқуқбузарликлар мансабдорлик жиноятлари, пул маблағларини ўзлаштириш ваколатидан четга чиқиш жиноятлари билан боғлиқ.

Мактаб директорларнинг ҳуқуқий билимларини белгиловчи аниқ классификацияни ўзи йўқ. Ҳуқуқий билимлар квалификацияси деганда мактаб директорларининг иш фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин ҳар қандай жараёнда онгли равища ҳуқуқий нормаларга риоя этиш ва уларни қўллаш тушунилади.

Шу нуқтаи назардан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми онгли равища мансаб ваколатини сущистемол қилган ҳолда ёки маҳаллий ҳокимият органларнинг таъсири остида содир этилади. Умумий ўрта таълим муассасалари бўйсуниш бўйича Халқ таълим вазирлигига бўйсунсада, маъмурий ҳудудий бошқарув юзасидан маҳалий ҳокимликларга бўйсунишади.

Мактаб директорларининг ҳуқуқий билимларини амалдаги ҳолатини аниқлаш юзасидан ва ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлувчи таъсиirlарни ўрганиш мақсадида **Тошкент вилоятининг 8та туманида сўровнома ишлари олиб борилди.**

Тошкент вилоятида ўтказилган тажриба-синов натижалари қўйидаги кўрсаткичларни кўрсатмоқда.

1. Сиз мактаб жамоасини самарали бошқариш учун зарур ҳуқуқий билимларни қайси манбалардан олиб ўрганасиз?

Туманлар	Янги йўл	Чино з	Чирч иқ	Бекоб од	Бўка	Бўсто нлиқ	Парк ент	Ўрта Чирч иқ
Мавжуд мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62
Сўровномада иштирок этган мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62

a) Адлия вазирлигининг ахборот тарқатиш манбаларидан (Lex.uz);	1 8	30. 5	9	15	2 2	33	2 0	28. 6	2 1	31. 3	1 9	30. 6	11	20	1 8	37. 5
б) ХТВ ва бошқа юқори турувчи идоралар томонидан йўлланадиган норматив-хуқуқий хужжатлардан;	2 7	45 .8	2 0	33 .3	3 0	45. 5	1 6	22 .9	1 8	26 .9	1 1	17. 7	2 1	38 .2	2 2	45 .8
в) ОАВларидан ва матбуот саҳифаларида эълон қилинадиган қонунлар, қонун ости хужжатлар матни, уларга шарҳ ва маҳсус мақолалардан;	6	10. 2	9	15	5	7.6	7	10	5	7.5	1 0	16. 1	1 3	23. 6	9	18. 8
г) “Интернет” саҳифалари, ижтимоий тармоқлардан;	4	6.8	11	21. 7	7	10 .6	6	8.6	1 0	14. 9	1 4	22. 6	9	16. 4	1 3	27. 1

Биринчи савол бўйича, энг кўп Янги йўл туманида **45.8 % (27та)** Чиноз тумани **33.3% (20 та)**, Чирчиқ туманидан **45.5% (30 та)**, Паркент тумани **38.2% (21та)** Ўрта Чирчиқ тумани **45.8% (22та)** мактаб директорлари хуқуқий билимларни **Халқ таълим вазирлиги ва бошқа юқори турувчи идоралар томонидан йўлланадиган норматив-хуқуқий хужжатлардан ўрганади** деб билдиришган бўлса, мактаб директорлари **деб фикр билдирган**.

Таҳлил натижаларидан маълумки, мазкур ҳудудлардан аксарият мактаб директорлари Халқ таълим вазирлиги ва бошқа юқори турувчи идоралардан келадиган норматив-хуқуқий хужжатларга боғланиб қолган, қонунчилик янгиликлар билан ишлаш ва улардан хабардор бўлиш қўнималари мавжуд эмас. Шунинг учун **Миллий қонунчилик базаси(Lex.uz)** билан ишлаш ҳамда интернет тармоқларидан фойдаланиш қўрсаткичи директорлар ўртасида энг паст даражани қўрсатмоқда. Хусусан, Бекобод тумани эса **28.6% (20 та)**, Бўка тумани **31.1% (21та)** **мактаб директорлари** мустақил равищда Миллий қонунчилик базаси(Lex.uz)дан хуқуқий билимларини ошириб боради. Бешариқ тумани **6.8% (4та)** мактаб директорлари “Интернет” саҳифаларидан хуқуқий саводхонлигини такомиллаштиради.

Умуман олганда мактаб директорларининг хуқуқий билимларини ошириб боришида ёки хуқуқни қўллашда улар асосан юқори ташкилотларнинг топшириқларга боғланиб қолган ҳамда бошқа манбалардан ўзларининг мустақил равищда хуқуқий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган қўнималари ҳам етарли даражада шаклланмаган.

2. Бугунги мактаб раҳбарларининг хуқуқий билимлари ва компетентлиги нима сабаб талаб даражасида эмас деб ҳисоблайсиз?

Туманлар	Яңги йўл	Чиноз	Чирчик	Бекобод	Бўка	Бўстонлик	Паркент	ўрта чирчик
Мавжуд мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62
Сўровномада иштирок этган мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62
a) ўз соҳасига оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар билан мунтазам равишда танишиб бормайди;	18 30.5	15 25	18 27.3	1 2 17.1	1 7 25.4	19 30.6	11 20	22 45.8
б) ўз устида ишламайди, эски усулда ишлаш принципи да қотиб қолган. Креативлик, янгиликка интилиш ўйқ;	27 45.8	16 26.7	20 30.3	1 8 25.7	1 0 14.9	11 17.7	22 40	20 41.7
в) юқори турувчи раҳбарлар айтган чизиғидан чиқмайди, мустақил фикрга эга эмас;	6 10.2	11 18.3	9 13.6	8 11.4	7 10.4	10 16.1	13 23.6	9 18.8
г) хуқуқий билимларни	4 6.8	7 11.7	5 7.6	11 15.7	2 0 29.9	14 22.6	8 14.5	11 22.9

ўрганишга вақт етарли эмас.																			
--------------------------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Иккинчи савол бўйича, энг кўп Бука туманидан **29.9% (20 та)**, мактаб директорлари хуқуқий билимларни ўрганишга вақт етарли эмас деб жавоб беришган бўлса, Янги йўл **45.8% (27та)** туманида эса, Чиноз туманида **26.7% (16та)**, Чирчиқ тумани **30.3% (20 та)**, Бекобод тумани **25.7% (18 та)**, Паркент тумани **40% (22та)** ўз устида ишламайди, эски усулда ишлаш принципида қотиб қолган, креативлик, янгиликка интилиш йўқ деб жавоб беришган. Бўстонлиқ тумани **30.6% (19та)** мактаб директорлари ўз соҳасига оид меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан мунтазам равишда танишиб бормайди;

Таҳлил натижаларидан маълумки, мазкур ҳудудлардан аксарият мактаб директорлари юқори турувчи раҳбарлар топшириғи билан банд, мустақил фикрга эга эмас ёки ўз устида ишламайди, эски усулда ишлаш принципида эга, креативлик, янгиликка интилиш йўқ.

Бунга асосий сабаблардан бири сифатида иш юритиш фаолияти нормал тартибга солинмаган ёки мактаб фаолиятига маҳаллий ҳокимият органлари ва юқори турувчи ташкилотларнинг аралашуви ҳисобланади.

3. Раҳбарлик фаолиятингизни самарали бошқаришда қайси хуқуқ турларини кўпроқ ўрганишга эҳтиёж мавжуд деб ўйлайсиз?

Туманла р	Янги йўл	Чиноз	Чирч иқ	Беко бод	Бўка	Бўсто нлиқ	Парк ент	ўрта Чирч иқ								
Мавжуд мактаб директор лари:	55	49	52	49	54	54	54	62								
Сўровно мада иштирок этган мактаб директор лари:	55	49	52	49	54	54	54	62								
A)Фуқарол ик хуқуқи	1 8	30. 5	15	25	1 8	27. 3	1 2	17	1 7	25 .4	1 9	30. 6	1 1	20	2 2	45. 8
B)Иқтисод ий хуқуқ	6	10. 2	16	26. 7	2 0	30. 3	8	11. 4	2 0	29. 9	11	17. 7	1 3	23. 6	9	18. 8
V)Меҳнат хуқуқи	2 7	45 .8	11	18. 36	9	13. 6	1 8	25 .7	7	10. 4	1 0	10 .4	2 2	40	2 0	4 1.7
Г) Маъмурий хуқуқ	4	6.8	7	11.7	5	7.6	11	15. 7	1 0	14. 9	1 4	22. 6	8	14. 5	11	22. 9

Учинчи савол бўйича, энг кўп Бустонлиқ тумани **30.6 % (19та)**, Ўрта Чирчиқ тумани **45.8 % (22та)** Фуқаролик хуқуқини туманидан ўрганишга эҳтиёж мавжуд деб ҳисоблашса, Чиноз тумани **26.7% (16 та)**, Чирчиқ тумани **30.3 % (20та)**, Бўка тумани **29.9 (20та)** мактаб директорлари Иқтисодий хуқуқларни ўрганишга талаб мавжуд

деб таъкидлашган. Янги йўл тумани **45.8% (27та)**, Бекобод туманида **25.7% (18 та)**, Паркент тумани **40% (22та)**, Риштон туманидан **35,8 % (24 та)**, Уч кўприк тумани **34.5% (20та)**, Ўрта Чирчиқ тумани **45.8% (22та)** мактаб директорлари Меҳнат ҳуқуқини ўрганишга эҳтиёж мавжуд деб ҳисоблашса, Янги йўл тумани **6.8% (4 та)**, Чирчиқ тумани **7.6% (5та)** мактаб директорларининг **Маъмурий ҳуқуқни кўпроқ ўрганишга бўлган эҳтиёжи жуда паст** кўрсаткичда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият мактаб директорларининг иш фаолиятида меҳнат қонунчилиги, меҳнат муносабатларига кўпроқ киришади, шунингдек **меҳнат қонунчилигининг айрим муносабатлари** бузилмоқда. Хусусан ходимлар билан меҳнат шартномасини тузишда қонунчиликка риоя қилинмаслиги, ходимларни мажбурий меҳнатга жалб этилиши, иш вақти режимларига риоя қилинмаслиги, кадрларни ишга қабул қилиш ёки бўшатиш буйруқларда хатолар мавжудлиги, жамоа келишуви айрим мактабларда умуман тузилмаганлиги мактаб директорларининг фаолиятида кузатилмоқда.

Шунинг учун сўровнома натижаларига кўра **6 та тумандан 4 таси** энг кўп мактаб директорлари меҳнат қонунчилигининг иш фаолиятида қўллаш бўйича ҳуқуқий билимларини оширишга эҳтиёж мавжуд.

Бундан ташқари мактаб директорларининг иш фаолиятида **пуллик хизматлар кўрсатиши** ҳам ривожланиб бормоқда, бунда **дарсдан ташқари таълимни ташкил этиш, мактабнинг бўш биноларини ижрага бериш** ва бошқа шартномавий муносабатлар Фуқаролик ҳуқуқий қонунчилик билан боғлиқ бўлганлиги сабабли мактаб директорлари учун Фуқаролик ҳуқуқини ўрганишга эҳтиёж кузатилмоқда.

4. Фаолиятингизда муаммоли ходим билан юзага келган вазиятни қандай қонуний тартибда ҳал қилгансиз?

Туманлар	Янги йўл	Чино з	Чирчиқ	Бекоб од	Бўка	Бўсто нлиқ	Парк ент	ўрта Чирчиқ								
Мавжуд мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62								
Сўровномада иштирок этган мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62								
A) Жамоа билан биргаликда кўриб чиқилган	1 4	23. 7	11 3	18. 3	2 0	30 .3	2 0	28 .6	2 0	29. 9	1 8	29	11 20	2 2	25	
B) Қонуний чора кўрилган	2 6	44. 1	1 5	25	19	28. 8	17	24 .3	18	26. 9	11	12	2 1	38. 2	0 0	
B) Инсонийлик йўли билан ҳал этилган	9	15. 3	1 7	28 .3	6	9.1	7	10	7	10. 4	2 2	40 .3	1 3	23 .6	2 9	31. 3

Г) Бундай вазият фаволиятимни мураккабла штиради.	6	10.2	6	10	9	13.6	5	7.1	9	13.4	9	14.5	9	16.4	11	14.6
---	---	------	---	----	---	------	---	-----	---	------	---	------	---	------	----	------

Тўртинчи савол бўйича, энг кўп Чиноз туманидан **28.3% (17та)**, Бўстонлиқ тумани **40.3% (22 та)**, Ўрта Чирчиқ тумани **31.3% (29 та)** мактаб директорлари низоларни инсонийлик йўли билан ҳал этаман деб жавоб берса, Чирчиқ тумани **30.3 % (20 та)**, Бекобод тумани **28.6% (20 та)**, Бўка тумани **29.9 % (20 та)** мактаб директорлари низоларни жамоа билан биргалиқда кўриб чиқаман деб айтади.

Низоларни ҳал қилиш масалалари асосан директор ҳукуқий компетентлигининг бир кўриниши бўлган **коммуникативлик қўникмалари** мавжудлигини талаб этади. Ҳозирги кунда ўз ишининг профессионали бўлган мактаб директорлари учун жуда муҳим бўлган **амалий атрибути** ҳисобланади. Раҳбар томонидан низоларни ҳал этишда вужудга келиши мумкин бўлган ҳукуқий оқибатларни билиши ва уни тушунтира олиши муҳим аҳамият касб этади. Лекин юқоридаги кўрсактличлар орқали муаммоли ва низоли вазиятларни қонуний ҳал этишдан кўра, жамоавий ва инсоийлик нуқтаи назаридан бир ёқлама ёндашув раҳбарларнинг қонун устуворлигини таъминлашда уларнинг ҳукуқий саводхонлиги етишмаслиги ёки ҳукуқий билимларни ўз фаолиятида қўллай олиш қўникмаси бутунги давр талабига жавоб бера олмаслиги кўриниб турибди.

5. 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон Қарорини муассасангизда айнан қайси бандларини бажаряпсиз? (мажбурий меҳнат, обуна, ўқитувчи мақомини оширишга доир)

Туманлар	Янги йўл	Чиноз	Чирчиқ	Бекобод	Бўка	Бўстонлиқ	Паркент	ўрта Чирчиқ						
Мавжуд мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62						
Сўровномада иштирок этган мактаб директорлари:	55	49	52	49	54	54	54	62						
A) Ижроси тўлиқ таъминланган	2 3	39	11 18. 3	2 2	33.3	1 6	22.9 13 19. 4	20 32. 3	12 21. 8	2 4	50			
B) Қисман таъминланган	2 1	35. 6	1 9	31. 7	1 5	22. 7	2 0	28.6 19 28. 4	18	29	18	32. .7	2 2	45. 8

В) Фақат 3.4.5.16- бандлар и таъмин ланмоқ да	7	11. 9	9	15	5	7.6	8	11.4	8	11. 4	11	32 .3	13	14 .6	9	18. 8
Г) Маҳалл ий ҳокимл иклар томони дан мажбурий мехнаттг а жалб этилмоқ да	4	6.8	1 0	16. 7	1 0	15.2	5	7.1	14	20, 9	5	8.1	11	20	7	14.6

Бешинчи савол бўйича, энг кўп Чиноз туманида **31,7% (19та)**, Чирчиқ туманидан **33.3% (22та)**, Бўстонлиқ туманидан **32.3% (20та)**, Ўрта Чирчиқ туманидан **50 % (24та)** мактаб директорлари қарор ижроси қисман, Бука туманида эса **20.9% (14та)** мактаб директорлари маҳаллий ҳокимликлар томонидан мажбурий меҳнатга жалб этилмоқда деб бирдиришмоқда.

Сўровнома натижаларини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшлини маънавий – ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3907-сонли қарори **7-бандида мажбурий меҳнатга жалб этиш қатъий таъкиқланган** бўлишига қарамай жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан мактаб раҳбарларини хизмат ваколатларига тегишли бўлмаган ишларга мажбурлаш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу каби ҳолат мактаб директорлари ўз хизмат ваколатини суйистеъмол қилиши, ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги, ёки билиб туриб унга қонун ҳужжатларини бузиш, оқибатини ўйламаслиги, ўз ишига совуққонлик, масъулиятызлик билан ёндашиши натижасида содир этилмоқда.

Мазкур ҳаракатларни содир этишга мактаб директорларини мажбурлашга сабаб бўладиган **бу маҳаллий ҳокимликлардир**. Улар томонидан қарор ижросига умуман риоя қилинмайди, шунингдек кўпол равишда бузилмоқда.

Мактаб раҳбарлари ўртасида бу ҳолат такрорланаверар экан, носоғлом ички муҳит, мақсадсиз ва самарасиз фаолият, низоли бошқарув, натижасиз бир бутун тизим юзага келади.

6. Малака ошириш тизимида етарли ҳуқуқий билимга эга бўлдингизми?

Туманлар	Янги йўл		Чино з		Чирчиқ		Беко бод		Бўка		Бўстонлиқ		Паркент		Ўрта Чирчиқ	
Мавжуд мактаб директорлари:	55		49		52		49		54		54		54		62	
Сўровномада иштирок этган мактаб директорлари:	55		49		52		49		54		54		54		62	
A) Ҳа, эга бўлдим	1 8	30 .5	1 0	16. 7	1 7	25. 8	2 2	31. 4	1 5	2 .4	1 3	21	1 1	2 0	1 6	3 .3 3
Б) Йўқ, эга бўлмадим	2 7	45 .8	2 0	33 .3	2 1	31. 8	1 3	18. 6	1 8	2 6. 9	1 2	19. 4	2 2	4 0	1 4	2 9. 2
В) Қисман, эга бўлдим	6	10. 2	9	15	5	7.6	8	11. 4	7	1 0. 4	5	8.1	1 3	2 3. 6	1 8	3 7. 5
Г) кўпроқ эга бўлишни хоҳлар эдим.	4	6. 8	1 0	16. 7	9	13. 6	6	8. 6	1 4	2 0. 9	2 4	38 .7	8	14 .5	1 4	2 9. 2

Олтинчи савол бўйича, энг кўп Янги йўл туманидан **32,6% (29та)**, Бекобод туманидан **31.4% (22та)** малака ошириш тизимидан ҳуқуқий билимга эга бўлмадим, Бука туманидан **20.9% (14та)**, Ўрта Чирчиқ туманидан **29.2% (14 та)**, Бўстонлиқ туманидан **38.4 % (24 та)**, малака ошириш тизимида кўпроқ ҳуқуқий билимга эга бўлишни хоҳлар эдим деб мактаб директорлари жавоб билдиришган.

Мазкур кўрсаткичлар ҳам нисбий равища жавоб беришган. Умуман олганда мактаб директорларнинг ҳуқуқий билимларини бевосита оширишга хизмат қиласидиган малака ошириш тизими йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари мактаб директорларининг ҳуқуқий билимларини белгиловчи аниқ стандартлар ҳам ишлаб чиқилмаган ва уларнинг компонентлари шакллантирилмаган.

Шунинг учун ҳозирги кунда мактаб директорларининг ҳуқуқий билимларини доирасини аниқ бўлмаганлиги сабабли уларда ҳуқуқий билимларини ривожлантириш зарурити билан боғлиқ муаммолар вужудга келиши мумкин муносабатлар, буларнинг барчаси аниқлаштирилмаган.

Мактаб директорларининг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш юзасидан илмий фаразлар

Мактаб директорларнинг ҳуқуқий билимларини белгиловчи аниқ классификацияни ишлаб чиқиши зарур. Ҳуқуқий билимлар квалификацияси деганда мактаб директорларининг иш фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин ҳар фандай жараёнда онгли равища ҳуқуқий нормаларга риоя этиш ва уларни қўллаш тушунилади.

Содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми онгли равища мансаб ваколатини сустеъмол қилишни олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органларнинг таъсирини чеклаш зарур.

Аксарият мактаб директорлари Халқ таълим вазирлиги ва бошқа юқори турувчи идоралардан келадиган норматив-ҳуқуқий хужжатларга боғланиб қолган, қонунчилик

янгиликлар билан ишлаш ва улардан хабардор бўлиш кўникмаларини шакллантириш **Миллий қонунчилик базаси(Lex.uz)** ёки “ХТВда ҳуқуқий маслаҳат” телерграмм бот билан ишлаш бўйича мактаб директорларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш ёки ўзларининг мустақил равищда ҳуқуқий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган кўникмаларини ривожлантириш керак.

Айрим мактаб директорлари учун юқори турувчи раҳбарларнинг топшириғини минимал даражада белгилаш мақсадга мувофиқ, бу эса уларда мустақил фикрлаш ёки ўз устида ишлаш, янгича усулда ишлаш принципига эга, креативлик, янгиликка интилишига замин яратади.

Мактаб директорларининг иш фаолиятида меҳнат қонунчилиги, меҳнат муносабатларига қўпроқ киришади, шунингдек **меҳнат қонунчилигининг айрим муносабатлари бўйича даврий малака оширишларни ташкил этиш керак**. Хусусан ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш, ходимларни мажбурий меҳнатга жалб этиш, иш вақти режимлари, кадрларни ишга қабул қилиш ёки бўшатиш буйруқларни тузища асосий эътиборни қаратиш лозим.

Бундан ташқари мактаб директорларининг иш фаолиятида **пуллик хизматлар кўрсатиши** ҳам ривожланиб бормоқда, бунда **дарсдан ташқари таълимни ташкил этиш, мактабнинг бўш биноларини ижрага бериш** ва бошқа шартномавий муносабатлар Фуқаролик ҳуқуқий қонунчилик билан боғлиқ бўлганлиги сабабли мактаб директорлари учун Фуқаролик ҳуқуқини ўрганишга эҳтиёж кузатилмоқда.

Низоларни ҳал қилиш масалалари асосан ҳуқуқий компетентликнинг бир кўриниши бўлган **коммуникативлик қўникмаларини ривожлантириш керак**. Ҳозирги кунда ўз ишининг профессионали бўлган мактаб директорлари учун жуда муҳим бўлган **амалий атрибут** ҳисобланади. Раҳбар томонидан низоларни ҳал этишда вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларни билиши ва уни тушунтира олиши муҳим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшлиарни маънавий – ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3907-сонли қарори **7-банди ижросини қатъий равищда кучайтириш зарур ва лозим даражада жавобгарлик даражасини ошириш мақсадга мувофиқ**.

Шунингдек, мактаб директорларининг лавозимга танлаш ва тайинлашда уларнинг ҳуқуқий билимларини ва амалиётга қўллай олиш қўникмаларини ўрганиш юзасидан аниқ механизм ишлаб чиқиш зарур.

Мазкур ҳаракатни содир этишга мактаб директорларини мажбурлашга сабаб бўладиган **бу маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатини** қайта кўриб чиқиш ёки зарур ҳолларда чеклаш механизmlарни ишлаб чиқиш керак.

Умуман олганда мактаб директорларининг ҳуқуқий билимларини бевосита оширишга хизмат қиласидан махсус тизимлашган малака оширишни йўлга қўйиш керак. Бундан ташқари мактаб директорларининг ҳуқуқий билимларини белгиловчи аниқ стандартлар ҳам ишлаб чиқиш ва уларнинг компонентларини шакллантириш талаб этилади.

Шунинг учун ҳозирги кунда мактаб директорларининг ҳуқуқий билимлари доирасини аниқлаш ва бунинг натижасида ҳуқуқий билимларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш зарурдир.

Мазкур концепцияда мактаб директорларининг бошқарув фаолиятига оид, педагоглар билан боғлиқ жараёнлари ёки ўқувчилар билан вужудга келиши мумкин муносабатлари қамраб олинади.

Холоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур илмий фаразлар Қашқадарё вилояти мисолида мактаб директорлари ҳуқуқий компетентлигининг амалдаги ҳолати, аниқланган муаммолар ва уларни келгусида аниқ ечимларни топишида, бартаф этиш ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларни олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган манбаалар

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-637-сон 23.09.2020 йил 4-боб, 29-модда.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 393-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий ҳужжатларнинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи 140-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 апрелдаги 243-сон қарори халқ таълими тизимидағи ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом
5. Погребняк, Л.П. Управление образовательным учреждением: организационно-педагогические и правовые аспекты 16 стр.
6. Л.П. Погребняк.-Москва-Ставрополь: Сервис школа, 2003.- 207 с. 106. Поташник, М.М. Управление современной школой / М.М. Поташник, В.С. Лазарев. - М.: Новая школа, 1997.-285 с.
7. Яруллин Ильдар Махмутович Организационно-педагогические механизмы правового обеспечения управления общеобразовательной школой 62 стр.
8. Aleksandr, K. va Aleksandr, M. (2011). Amerika davlat maktabi huquqi (8 -nashr). Belmont: Tomson G'arb.
9. Arendt, L., Priem, R. va Ndofor, H. (2005). Bosh direktor-maslahatchi strategik qarorlar qabul qilish modeli. Menejment jurnali, 31 (5), 680-699.
10. Avstraliya Ta'lim va Maktab Etakchilik Instituti (AITS). (2012). Direktorlar uchun Avstraliya professional standarti. Melburn: AITS <http://www.aitsl.edu.au/australian-professional-standard-forprincipals> saytidan olindi .
11. Qulf, G., va Lummis, G. (2014). Maktab javobgarligi talablariga rioya qilish va maktab rahbarlariga ta'siri. O'qituvchilar ta'limi bo'yicha Avstraliya jurnali, 39 (2), 58-69.
12. Starr, K. (2012). "Xavf" va direktorlik muammosi: Maktablarda rikni boshqarishning xavfli ishi. Ta'limni boshqarish ma'muriyati va etakchiligi, 40 (4), 464-479.
CrossRefGoogle Scholar
13. Styuart D. (1996). Maktablarga ta'sir ko'rsatadigan qonun bo'yicha direktorlarning bilimlari. (D. Styuart, Ed.) Avstraliya va Yangi Zelandiya huquq va ta'lim jurnali, 1 (1), 111–129.
Google Scholar
14. Styuart D. (1996). Maktab direktorlari va qonun: Kvinslend shtatidagi davlat maktablarida direktorlar tomonidan talab qilinadigan va yuridik bilimlarni o'rganish. Doktorlik dissertatsiyasi nashr etilmagan, Kvinslend texnologiya universiteti, Brisben. Avstraliya Milliy kutubxonasi Trove ma'lumotlar bazasida mavjud (24587328).
Google Scholar
15. Teh, M. (2008). Maktablar va qonun: xalqaro miqyosdagi huquqiy muammolar, Singapur maktab rahbarlari uchun. Doktorlik nashr etilgan, Janubiy Kvinslend universiteti, Toowoomba. [Http://eprints.usq.edu.au/4439/](http://eprints.usq.edu.au/4439/) saytidan olindi . Avstraliya Milliy kutubxonasi Trove ma'lumotlar bazasida mavjud (153062505)
16. Trimble, A. (2017). Ta'lim huquqi, maktablar va maktab direktorlari: Tasmaniya maktab direktorlariga qonun ta'sirini o'rganishning aralash usullari. Doktorlik dissertatsiyasi nashr etilmagan, Tasmaniya universiteti, Launceston.
Google Scholar
17. Trimble, A., Krenston, N. va Allen, J. (2012). Maktab direktorlari va ta'lim to'g'risidagi qonun: Ular nimani bilishadi, nimalarni bilishlari kerak? Etakchi va boshqaruvchi, 18 (2), 46-61.
Google Scholar
18. Uordl, D. (2006). Maktab bilan bog'liq qonun: Direktorlar bilishi kerak bo'lgan narsani biladimi? Ta'lim ma'muriyatining magistrleri nashr etilmagan, Massey universiteti, Palmerston shimalida.